

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ
САМАРКАНДСКОГО СОГДА 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрат о'g'li*
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR 20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ46-51
- Матажонов Раҳимжон Акратович*
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF
UZBEKISTAN 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH
USULLARI VA AFZALLIKLARI 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHKILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDI O'RGANISH USULLARI	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK - USLUBIJ TA'MINOTI	316-322

08.00.00-Иқтисодиёт фанлари

Остонокулов Азамат Абдукаримович
International School of Finance Technology and Science (ISFT),
и.ф.д., профессор, prof.ostonokulov@gmail.com

Султонов Омон Жума ўғли
International School of Finance Technology and Science (ISFT)
Молия ишлари бўйича проректор, omon_sultonov@mail.ru

ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Давлат олий таълим муассасаларини фаолиятини бошқариш, шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш йўналишларини тўғри белгилаш, маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш жараёнида ушбу маблағлар ҳаракатига оид ҳисоботларнинг ахборот кўрсаткичларини ўрганишни талаб этади. Мазкур мақолада давлат олий таълим муассасаларида вужудга келадиган бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланишига оид молиявий ҳисобот ахборотларнинг имкониятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, даромад, маблағлар, молиявий ахборот, олий таълим муассасаси, таҳлил, харажат, ҳисобот.

Ostonokulov Azamat Abdugarimovich
International School of Finance Technology
and Science (ISFT), DSc., Professor,

Sultonov Omon Juma ugli
International School of Finance Technology
and Science (ISFT), Vice-Rector for Financial Affairs,

WAYS TO INCREASE INFORMATION POSSIBILITIES OF REPORTS ON THE MOVEMENT OF EXTRABUDGETARY FUNDS IN PUBLIC HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Abstract. In the process of managing the activities of state higher educational institutions, correctly determining the directions for spending extrabudgetary funds, and ensuring the targeted use of funds, it is necessary to study the information indicators of reports on the movement of these funds. This article explores the possibilities of financial reporting on information on the use of extrabudgetary funds in public higher education institutions.

Key words: accounting, income, cash, financial information, higher education institution, analysis, cost, reporting.

Остонокулов Азамат Абдукаримович
International School of Finance Technology and Science (ISFT),
д.э.н., профессор

Султонов Омон Жума угли
International School of Finance Technology and Science (ISFT),
проректор по финансовым вопросам,

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ОТЧЕТОВ О ДВИЖЕНИИ ВНЕБЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ВУЗАХ

Аннотация. В процессе управления деятельностью государственных высших учебных заведений, правильного определения направлений расходования внебюджетных средств, обеспечения целевого использования средств необходимо изучение информационных показателей отчетов о движении этих средств. В данной статье исследуются возможности финансовой отчетности по информации об использовании внебюджетных средств в государственных высших учебных заведениях.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, доходы, денежные средства, финансовая информация, высшее учебное заведение, анализ, себестоимость, отчетность.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N09>

Кириш. Давлат бюджети бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида тузилади. Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йил апрель ойидаги ҳисоботида кўра, “Пандемия ва инқироз шароитида ривожланган мамлакатларда бюджет харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини ташкил қилиб, давлат секторидаги ташкилотлар бандликни таъминлаш нуқтаи назаридан энг катта иш берувчи ҳисобланиши таъкидланган” [3; 7-б.]. Дунё амалиётида давлат секторидаги ташкилотларни молиялаштириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши бевосита уларнинг ҳисобини самарали ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг шаффофлиги билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бюджет ижроси ҳисоби ва назоратини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари асосида ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, мамлакатлар давлат секторида бюджет ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда бюджет тизими ва уни бошқариш, бюджет ижроси ҳисобини ташкил этишнинг усуллари ва йўналишлари, давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш ва ҳисобдорликни ошириш, бюджет назоратини такомиллаштириш каби масалалар ўз ечимини топган. Шунингдек, давлат олий таълим муассаса (*кейинги ўринларда ОТМ*)ларида маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлашда ҳисоб ахборот тизимининг ролини кучайтириш, маълумотларнинг ошкоралигини таъминлаш, жамланма ахборотларни шакллантириш масалалари алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ этилган. Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, олиб борилган тадқиқотларда бюджет ижроси ҳисобини юритиш ва

ҳисоботларни тузиш масалалари бухгалтерия ҳисобининг касса ва ҳисоблаш методларига асосланиши, уларнинг бюджет ижроси ахборотларини шакллантиришдаги ролини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган. Аммо, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда назоратини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Мамлакатимизда бюджет тизимини ислоҳ этишда “бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) уйғунлаштириш” [1], халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш, бюджет тизимида маблағларнинг сарфланиши бўйича ҳисобдорликни кучайтириш, бюджет ижроси жараёнида замонавий ахборот тизимларини қўллаш қўламини кенгайтиришни талаб этмоқда. Шу билан бирга, бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисобини тизимли тарзда касса усулидан ҳисоблаш усулига ўтказиш орқали бюджет ҳисоботлари ахборотларининг таҳлилий имкониятларини оширишни тақозо қилмоқда. Ўз навбатида, ушбу жиҳатлар давлат ОТМларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботига оид мавжуд асосларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг назарий ҳамда услубий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан қатор хорижлик олимлар илмий изланишлар олиб борган. Хусусан, В.В.Башкатов, Н.П.Кондраков, О.В.Митина, В.Ю.Покусаевни киритиш мумкин.

В.В.Башкатов ва В.Ю.Покусаевлар томонидан бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари очиб берилган. Жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни режалаштириш, молиялаштиришни амалга оширишнинг тартиблари, ҳисоб ишларини юритишдаги қоидалар, бюджет маблағларига оид ҳисобдорлик масалалари очиб берилган [4; 36-38-б.].

Н.П.Кондраков бошчилик олимлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби номли асарида ҳисоб ишларини ташкил этиш тартиби, ҳисоб объектлари, уларнинг моҳияти ва ҳисобга олиш йўналишлари, молиявий ҳисоботларнинг таркиби, уларни тузиш ва тақдим этиш тартиблари очиб берилган [5; 36-38-б.]. О.В.Митина ҳам, юқорида зикр этилган олимлар каби бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишга оид қарашларини баён қилган [6; 94-96-б.].

Республикаimiz иқтисодчи олимларидан К.Ш.Ибрагимов, А.Ш.Кулибоев, А.А.Остонокуловларнинг асарларида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва аудити, бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат, бюджет назоратининг назарий масалалари ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари ўрганилган.

К.Ш.Ибрагимов бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш масалаларини олий таълим муассасалари мисолида тадқиқ этган. Лекин, ушбу тадқиқотда қарашлар ва изланишлар асосан назарий ва услубий масалаларга қаратилган. Хусусан, инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, товар моддий захираларни

баҳолаш, молиявий ҳисоботларнинг даврийлигини қайта кўриб чиқиш каби масалалар ўрганилган [7; 16-17-б.].

А.Ш.Кулибоев томонидан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби амалиётини тартибга солувчи қонунчилик базасининг алоҳида элементлари ва хусусиятлари ўрганилган. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари, услубий ва техник жиҳатлари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бюджет қонунчилигига мувофиқ бюджет ташкилотлари бухгалтерия сиёсатини шакллантириш, унинг тузилмасини белгилаш ва самарали ички назорат тизимини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган [8; 82-86-б.].

А.А.Остоноқулов олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар тушуми, уларни даромад сифатида тан олиш, ушбу маблағларнинг таркиби ва уларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари, тўлов-контракт шакли маблағларининг ҳаракати, уларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобда акс эттириш, ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш ва маблағларнинг сарфини ҳисобда акс эттириш юзасидан изланишлар олиб борган [9; 5-б.].

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан давлат ОТМларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларнинг ўзгариб бориши мазкур йўналишда илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Давлат ОТМларининг фаолият йўналишлари ва хусусиятлари, бюджет ҳисоби ва ҳисоботида оид белгиланган талаблар ҳамда давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қоидаларини ҳисобга олинган ҳолда абстракт мантиқий фикрлаш, таққослаш, кузатиш ва таҳлил қилиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ва бошқа шу каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Муҳокама ва натижалар. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишдан мақсад фойдаланувчиларни бюджетдан ташқари маблағларга тегишли даромадлар ва харажатлар, пул маблағлари ҳаракати, ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборот беришдан иборат. Ушбу ахборот фойдаланувчиларга молиявий ҳисобот шаклида тақдим этилади. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларга тегишли даромадлар, харажатлар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги даврий ахборотлар Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) “Бюджет ҳисоботи”да белгиланган шакл ва муддатларда тузиб тақдим этилади.

Бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) “Бюджет ҳисоботи”га асосан давлат ОТМларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар таркиби қуйидагилардан иборат:

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот [2].

Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси ҳамда харажатлар сметаси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни тежашнинг боиси (таҳлиллари билан бирга) (агарда, тежалган бўлса), дебиторлик қарздорликлар ва кредиторлик қарзларнинг пайдо бўлиши боиси, вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича қўрилган чоралар, қонунчиликка асосан ОТМларига берилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга оид имтиёзлар ҳамда ушбу имтиёз натижасида бўшаган маблағларнинг сарфланиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Молиявий ҳисоботлар шакллари “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги [йўриқнома](#) билан тасдиқланган “Бош журнал китоби” ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисоботлар ҳисобни юритишнинг бош мақсади ҳисобланган ахборотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш учун шакллантирилади. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади ташкилотнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун зарур ҳисобланади. Молиявий ҳисобот молия-хўжалик муомалаларини хусусият ва мазмун жиҳатдан гуруҳларга тизимли бирлаштириш натижаси саналади. Ахборотларни умумлаштириш ва гуруҳлаш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган ахборотни тақдим этишдир. Чунки, молиявий ҳисоботлар белгиланган шаклда ва изоҳларда берилади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, ташкилотнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби субъектининг фаолияти тўғрисида ташқи фойдаланувчиларга қатъий шаклда ва умумқабул қилинган принцип (тамойил)лар асосида тузиб тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига кўра, молиявий ҳисоботлар вақт нуқтайи назаридан узлуксиз бухгалтерия ҳисоби ахборотлари асосида, ўтган молиявий ҳисобот даврларининг кўрсаткичлари билан узвий боғлиқликда шакллантирилиши зарур. Шунингдек, молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ишончли бўлиши, ахборотдан фойдаланувчилар учун жуда муҳим саналади. Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичлар ўзаро ва бошқа даврлардаги кўрсаткичлар қиёсланувчан, яъни таққослаш имконини бериши муҳим жиҳат саналади.

Молиявий ҳисоботларда келтириладиган ахборотлар фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим. Молиявий ҳисоботда ахборотнинг очиб берилмаслиги ёки нотўғри кўрсатилиши сабабли фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган ахборот муҳим ҳисобланади. [2] Шулардан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботлардаги ахборотлар ва уларни таҳлил қилиш орқали фойдаланувчиларни молиявий ахборотлар билан таъминлаш имкониятини ўрганиш зарурияти вужудга келади.

ОТМнинг ҳар бир бюджетдан ташқари маблағлари билан боғлиқ алоҳида молиявий ҳисобот шакли тузиб тақдим этилиши юқоридаги параграфларда кўриб ўтилди. Лекин, ушбу ҳисоботлардан қандай молиявий ахборотларни олиш имкони

мавжудлиги, шунингдек, ушбу молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинмади.

Молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини таҳлил қиладиган бўлсак, албатта, баланс марказий ўринни эгаллайди. Бошқа молиявий ҳисоботлар ва маълумотлар баланснинг кўрсаткичларини батафсил ёритиш ҳамда асослаш учун хизмат қилади.

ОТМларида молиялаштириш манбалари турлари ва уларнинг ҳажмларидан қатъий назар ягона баланс шакллантирилади. Балансда ҳисобот йили бошига ташкилотнинг маблағлари ва унинг манбалари ҳолати келтирилиб, уларнинг ҳисобот даври давомидаги ўзгаришлари натижасида ҳисобот даври охиридаги ҳолати тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар ОТМ айнан ҳисобот даври бошидаги ҳолати билан ҳисобот даври охиридаги ҳолатни таққослаш орқали таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, маблағлар ва унинг манбалари билан боғлиқ ўзгаришлар ОТМ миқёсида комплекс таҳлил қилиш, мол-мулкларнинг ҳолати, молиявий активларнинг мавжуд қолдиқлари, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар, молиявий натижаларни ҳолатини узвий алоқадорликда таҳлил қилиш мумкин. Балансда келтирилган ахборотлар маблағлар ва уларнинг манбаларини ҳисобот даври давомида юз берган таркибий ўзгаришларни ҳам таҳлил қилиш имконини беради.

ОТМларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда асосан иккита йўналишдаги ахборотлар келтирилади. Яъни, ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар ҳамда ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатлар. Фойдаланувчи ушбу ҳисобот шакли орқали жамғарманинг пул маблағлари қолдиқлари ва уларнинг ҳаракати, даромадларнинг таркибий тузилиши ва даврий ўзгариши, амалга оширилган харажатларнинг таркиби ва уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиш имконига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган талабларнинг бажарилганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

ОТМ ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибидаги ахборотлар ва уларнинг таҳлили [10]

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиғи	Ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг йил бошидаги қолдиғи	1 январь ҳолатига ривожлантириш жамғармаси пул маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақдаги қолдиғи тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад	Ҳисобот чорагининг охири кунида харажатлар сметасига оид тежалган маблағлар	Харажатлар сметалари бўйича тежалган бюджет маблағларининг ҳисобот чораги якунида ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварақига ўтказилган пул маблағлари тўғрисида ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотлар молия йилида иқтисод қилинган бюджет маблағлари миқдорини даврий ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланилади.
3.		Фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан	Муассаса фаолиятини амалга оширишда ихтисосликка мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш натижасида олинган даромад тўғрисида ахборотлар келтирилиб, улар орқали ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилиш мумкин.
4.		Муассаса балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан	Бўш турган мол-мулкларни ижарага бериш натижасида ташкилотга келиб тушадиган даромадлар тўғрисида ахборот беради. Ушбу кўрсаткич орқали ҳисобот даври давомида ижарадан олинган даромадларнинг даврий ўзгариши ҳамда ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланилади.

5.		Белгиланган тартибда муассаса тасарруфида қолдирилган маблағлар	Муассасага солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича берилган солиқ имтиёзлари, иккиламчи ҳом-ашёларни реализация қилишдан тушумлар тўғрисида ахборот берилади. Ушбу ахборотлар орқали ҳисобот даври давомида даромадларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
6.		Ҳомийликдан олинган	Ҳисобот даври давомида ҳомийлардан олинган маблағлар бўйича даромадлар тўғрисида ахборотлар келтирилади. Улардан даврий ўзгаришларини ҳамда умумий даромад таркибидаги улушини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.
7.	Ўтган йил қолдигидан тушум	Бошқа ҳисоб рақамлардан кўчирилган маблағлар тушуми	Муассасанинг бошқа ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобрақамига қайтарилиши билан боғлиқ ахборотлар келтирилиб, улар орқали ҳисобот даври давомида тушумларни таҳлил қилиш мумкин.
8.	Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари	Касса харажатлари	Мазкур молиялаштириш манбаси ҳисобидан ҳисобот даври давомида амалга оширилган касса харажатлар тўғрисида умумий ахборот берилади. Ушбу ахборотларни пул маблағлари сарфининг даврий ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланилади.
9.	Харажатлари - жами	Қайтарилган қолдиқ	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кассага кирим қилинган пул маблағларининг сарфланмай қолган қолдигининг ҳисоб рақамига қайтарилиши бўйича ахборотлар келтирилади. Мазкур ахборотлардан уларга оид ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин
10.	Давр охирига пул маблағи қолдиги	Пул маблағларининг ҳисобот даври охиридаги қолдиги	Ҳисоботни топшириш санасидаги ривожлантирилган жамғармаси пул маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақдаги қолдиги тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ҳисобот даври давомидаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
11.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
12.		Иш ҳақиға кўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақиға кўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
13.		Капитал қўйилмалар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал қўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
14.		Бошқа харажатлар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

ОТМларининг ривожлантириш жамғармаси, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар, бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда ушбу маблағлар билан боғлиқ харажатлар икки кўринишда берилган, яъни касса харажатлар ва ҳақиқий харажатлар. Касса харажатлар билан боғлиқ кўрсаткичларни пул маблағлари ҳаракатини ифодалаш ва таҳлил қилишда фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш мумкин.

Аммо, ҳақиқий харажатларни фақатгина, режага нисбатан ижроси ҳамда касса харажатлар билан таққослаш орқали дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотда ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар тўғрисида алоҳида маълумот шакли шакллантириб тақдим этилади.

ОТМларида тўлов контракт маблағлари билан боғлиқ ҳолатда ҳисоботда маблағларнинг қолдиқлари, ҳисобот даври давомидаги даромадлар ва харажатлар ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборотлар келтирилади. Ушбу ахборотлар

орқали ОТМнинг ҳисобот даври билан боғлиқ пул маблағлари ҳаракатини, ушбу даврдаги ҳисобга олинган даромадлар таркибини, амалга оширилган харажатлар ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

ОТМларида тўлов контрактдан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таркибидagi ахборотлар ва уларнинг таҳлили¹

Т/р	Ҳисобот кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби	Ахборотлар ва уларнинг таҳлили
1.	Йил бошига пул маблағи қолдиғи	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг йил бошидаги қолдиғи	1 январь ҳолатига ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг шахсий ғазна ҳисобварақдаги қолдиғи тўғрисида ахборот берилиб, ушбу пул маблағи ўтган ҳисобот даври ва жорий ҳисобот давридаги пул маблағлари ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланилади.
2.	Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар	01.03.20_ йилга ўтувчи контракт суммаси (20_-20_ ўқув йили учун)	20_-20_ ўқув йили учун 01.03.20_га қадар келиб тушган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар берилади. Ушбу ахборотлар воситасида таълим муассасасида молия йилининг дастлабки яримида 20_-20_ ўқув йили учун тушган маблағларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.
3.		жорий ўқув йили учун тушган контракт суммаси (20_-20_ ўқув йили учун)	Жорий ўқув йил учун келиб тушган пул маблағлари тўғрисидаги ахборотлар берилади. Ушбу ахборотлар воситасида таълим муассасасида сентябр ойдан бошлаб молия йили якунига қадар 20_-20_ ўқув йили учун тушган маблағларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.
4.		бошқа тушумлар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли пул маблағларининг депозитга қўйилиши натижасида олинадиган даромадлар тўғрисида ахборот берилади. Мазкур ахборот воситасида ҳисобот даври давомидаги олинган даромадлар ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
5.	Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум	Бошқа ҳисоб ва рақамлардан кўчирилган маблағлар тушуми	Ташкилотнинг бошқа ҳисоб рақамлардаги пул маблағларини ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобрақамга қайтарилиши билан боғлиқ ахборотлар келтирилиб, улар орқали ҳисобот даври давомида тушумларни таҳлил қилиш мумкин.
6.	Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари - жами	Касса харажати	Мазкур молиялаштириш манбаси ҳисобидан ҳисобот даври давомида амалга оширилган касса харажатлар тўғрисида умумий ахборот берилади. Ушбу ахборотларни пул маблағлари сарфининг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш ва маблағлар қолдиғини аниқлашда фойдаланилади.
7.		Қайтарилган қолдиқ	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан кассага кирим қилинган пул маблағларининг сарфланмай қолган қолдиғининг ҳисоб рақамга қайтарилиши бўйича ахборотлар келтирилади. Мазкур ахборотлардан уларга оид ўзгаришларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин
8.	Харажатлар	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	Ҳисобот даври давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
9.		Иш ҳақига қўшимчалар	Ижтимоий солиқ ва иш берувчининг ажратмалари бўйича режалаштирилган харажатлар, ҳақиқатда ҳисобланган харажатлар ҳамда улар бўйича амалга оширилган тўловлар тўғрисида ахборотлар берилади. Мазкур ахборотлар воситасида иш ҳақига қўшимчалар бўйича ҳисобот давридаги режанинг бажарилиши, мавжуд қарздорликлар ҳолати тўғрисида таҳлил ишларини амалга ошириш мумкин.
10.		Капитал (қурилиш) қўйилмалар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан капитал (қурилиш) қўйилмаларнинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали капитал

¹ Муаллиф томонидан тузилган

		(қурилиш) қўйилмаларнинг даврий ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.
11.	Бошқа харажатлар	Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан бошқа харажатлар (коммунал тўловлар, асосий воситалар бўйича харажатлар, товар-моддий захиралар бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар)нинг ҳисобот давридаги режаси, улар бўйича амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар тўғрисида ахборотлар берилиб, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали бошқа харажатларнинг даврий ўзгариши ҳамда мавжуд қарздорликларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мумкин.

Бюджет қонунчилигига кўра, ОТМларини бюджетдан ташқари маблағлари бюджет тизими бюджетларининг ажралмас қисми ҳисобланганлиги учун консолидациялашган бюджет ҳисоботини шакллантиришда ОТМлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатини ҳам ҳисобга олинган бўлиши зарур. Давлат бюджети ижросига оид эълон қилинган расмий ҳисоботларда ОТМларининг бюджетдан ташқари маблағлари тўғрисидаги ахборотлар тақдим этилмасдан келинмоқда.

ОТМларининг барча бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракатига оид ҳисоботларда даромад ёки тушумларга оид кўрсаткичлар келтирилган. Ҳисоботларнинг номланиши ва кўрсаткичларнинг шакллантирилишида ушбу даромад ёки тушумлар фақатгина, ОТМнинг ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари тушуми нуқтаи назаридан ҳосил қилинмоқда. Ушбу ҳолат ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобга олинган ёки ҳисобланган даромадлари тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини бермайди. Ҳисобот давридаги ҳисоб-вараққа келиб тушган даромадлар ва амалга оширилган харажатларни таққослаш ОТМнинг ҳақиқатдаги молиявий ҳолатини аниқлашга имкон бермайди.

Хулоса. Давлат олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари даромадларнинг вужудга келиши, маблағларнинг даврий ҳаракати, харажатларнинг вужудга келиши ва улар билан боғлиқ маблағларнинг сарфига оид даврий ахборотларни шакллантириш олий таълим муассасалари фаолиятини бошқариш, маблағларни режалаштириш, молиявий маблағлар билан таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолиятини тартибга солиш, келгусидаги стратегик мақсадларни белгилаш ва амалга оширишда асосий ахборот манбаси саналади. Давлат олий таълим муассасаларининг фаолият хусусиятлари, уларга молиявий мустақиллик берилиши бюджетдан ташқари ташқари маблағларни шакллантиришдаги эркинлик бюджетдан ташқари ташқари маблағлар ҳаракатига оид ҳисоботларни шакллантириш, улардаги ахборотларнинг очиб берилиши ва (ёки) ахборот имкониятларини кенгайтириш заруриятини келтириб чиқаради.

Бизнингча, олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш билан боғлиқ қўйидаги тизимли ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллариномлашда улардаги кўрсаткичлар маблағларнинг фақатгина, шахсий ғазна ҳисоб-варақдаги ҳаракатига асосланмаганлиги учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг номи қайта кўриб чиқиш зарур. Шунда, ҳисоботлар таркибида олий таълим муассасаларини бюджетдан ташқари маблағларининг барча жиҳатлари қамраб олинишига эришилади;

2. олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари таркибида қўйидаги тарзда ҳисобланган даромадларга

оид кўрсаткичларни киритиш зарур. Жумладан, олий таълим муассасалари тўлов контракт **маблағлари ҳаракати ҳақидаги ҳисоботга** ҳисобот даври мобайнида тўлов контракт маблағларига тегишли бўлган ҳисобланган даромадлар, депозитга жойлаштирилган пул маблағларга оид даромадлар, фанлардан академик қарздор бўлган талабалар билан ҳисоблашувлардан ундириладиган тўловлар бўйича даромадларни алоҳида сатрларда акс эттириш зарур.

Олий таълим муассасаларида тўлов контрактдан тушган маблағлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботни ўқув йили учун тузиш тартибини йўлга қўйиш орқали ўқув йили фаолияти билан боғлиқ даромадлар, харажатлар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ахборотларни шакллантириш зарур. Бу эса, ўқув йили билан боғлиқ ҳолда олий таълим муассасаларининг бизнес режалари бажарилишини ўрганиб бориш, ўқув йили давомидаги ўқитиш фаолиятидан олинган пул маблағлари тушумлари ва уларнинг сарфланиши, ўқитиш фаолияти бўйича даромадлар ва харажатлар, олий таълим муассасасининг молиявий натижаларини аниқлаш имкониятини беради.

3-жадвал

Таълим муассасаларида тўлов контрактдан тушган маблағлар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот¹

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи	
2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами	
2.1 Ҳисобот даврида тушган тушумлар	
шу жумладан:	
а) ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича	
б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича	
в) академик қарздор талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича	
2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум	
Бошқа ҳисоб ва рақамлардан кўчирилган маблағлар тушуми	
3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами	
3.1 Касса харажати	
3.2 Қайтарилган қолдиқ	
4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи	
шундан ҳисобот даврида транзит ҳисобварақларда қолган қолдиқ	
5. Ҳисобот даврида ҳисобланган даромадлар	
а) ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича	
б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича	
в) академик қарздор талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича	

Ҳисобот даврида тўлов контрактдан тушган маблағлар, депозитга қўйилган маблағлар ҳамда академик қарздор талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағлари тушумлари ҳамда даромадлар сатрини киритиш орқали, ҳисобот шаклида олий таълим муассасаларида ўқув йили давомида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари билан боғлиқ ҳисобга олинган даромадлар, пул маблағлари тушумлари ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш, тўлов контракт шакли бўйича кутилаётган пул маблағлари тушумини прогноз қилиш имконияти вужудга келади.

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи» 2019 йил 18 январь, 3124-сон
3. International Monetary Fund (IMF). 2020. Fiscal Monitor: Policies to Support People During the COVID-19 Pandemic. Washington, April. <https://www.imf.org/en/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>
4. Башкатов В. В., Покусаев В. Ю. Особенности бухгалтерского учета в бюджетных учреждениях. Журнал “Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения”. Выпуск № 13 / 2014. 320 с.
5. Кондраков Н.П. и др. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. -М.: Проспект, 2006.
6. Митина О.В. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. Учебное пособие. 2020 г. 138 стр.
7. Ибрагимов К.Ш. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш (Олий таълим муассасалари мисолида). иқт. фан. фал. док. дис. автореферати. –Т.: 2018. – 54 б.
8. Shonazarovich K. A. Regulatory and legal regulation of accounting in budgetary institutions //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). – 2023. – Т. 10. – №. 6. – С. 82-86.
9. Остонокулов, А. (2022). Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов- контракт шаклидан тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1119>
10. Ostonokulov A.A. (2021). Improving the Methodology Accounting of Extra-Budget Funds of Public Sector Institutions. "LOGISTICS AND ECONOMY" scientific-electronic journal, №1, pages 18-29.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).